
“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси масканларни обод этмоқда
“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дараҳт, бута ва гул кўчатларини экиш бўйича Ўзбекистон туманида кўплаб амалий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яшил майдонларни кенгайтириш йўлидаги эзгу ҳаракатга туман йўлсозлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Хусусан, соҳа вакиллари умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари четларини обод этиб, дараҳт экишда фаол кўрсатяпти.

Туман йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси ташаббускорлари томонидан ташкил этилган бугунги кўкаламзорлаштириш акциясида ҳам минг тупдан зиёд манзарали ва терак кўчатлари экилди.

Ободлик тадбирида иштирок этган туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев яшил худудларни барпо этиш билан бир қаторда, дараҳтларни мунтазам парваришлишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тўхталди.

2024-11-29 17:27:52